# Ishonch

*Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!*

2021 йил
**25 февраль**
пайшанба

**№ 26 (4466)**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz


## Кун нафаси

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 24 февраль куни **қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида жорий йилда амалга ошириладиган устувор вазифалар муҳокамаси** юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

* * *

Президент **Шавкат Мирзиёев** Тошкент шаҳрида йўл-транспорт тизимини яхшилаш ва янги йўллар қуришга оид лойиҳалар тақдимоти **билан танишди**.

* * *

Давлатимиз раҳбари **«Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги қарорга имзо чекди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири **Абдулазиз Комилов** 25 февраль куни **Ҳиндистон Республикасига амалий ташриф билан боради.**

* * *



**Шуҳрат Мусаев** Наманган вилояти ҳокимининг ўринбосари – вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи этиб тайинланди.

* * *



**Транспорт вазирлигида** Airbus International компанияси вакиллари билан **учрашув** бўлиб ўтди.

* * *



Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 19 февраль куни Наманган вилоятига ташрифидан сўнг куни кеча Наманган шаҳрининг «Орзу» маҳалласи ҳудудида **«Саховат» уйи учун янги бино қурилиши бошланди.**

* * *

Германиянинг «3Sat» жамоат телеканалида Самарқанд шаҳрининг тарихий обидалари ва мафтункор табиат манзаралари, шунингдек, халқимизнинг бой урф-одатлари, аҳолининг турмуш тарзи, ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм намойиш этилди.

* * *



**Дунёда коронавирус билан касалланганлар сони** 15 февралдан 21 февралгача бўлган вақт ичида 11 фоизга, вафот этганлар сони эса ўтган ҳафтага нисбатан **20 фоизга камайди.** Женевада эълон қилинган Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ)нинг ҳафталик эпидемиологик бюллетенига кўра, касалланиш даражасининг пасайиши кетма-кет олтинчи ҳафта кузатилмоқда.

Фотонигоҳ

## Баҳор остонасидаги қаҳратон





Гидрометеорологларнинг хабар беришича, Россиянинг Европа ҳудуди марказий туманлари (Москва вилояти)да ҳосил бўлган совуқ ва нам ҳаво массаси Поволжье орқали Ўзбекистон ҳудудига кириб келмоқда. Барча ҳудудларда ёғингарчилик ва ҳаво ҳароратининг кескин пасайиши кузатилмоқда. 25 февраль куни, ҳатто, мамлакатимизнинг шимолий ҳудудларида ҳаво ҳарорати кечаси 17-22, кундузи 8-13 даража совуқ бўлиши мумкин.

Бу ҳолат ёдимизга халқимизнинг машҳур нақлини яна бир бор ёдга солади: қишнинг бир куни қолса ҳам – қўрқ.

Начора, табиатнинг ўз қонуниятлари, ўз ҳукмлари бор.





Саидакбар АБДУРАИМОВ олган суратлар

Муносабат

# УМУМБАШАРИЙ ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛГАН ТАРИХИЙ НУТҚ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БМТ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШИ 46-СЕССИЯСИНИНГ ЮҚОРИ ДАРАЖАДАГИ СЕГМЕНТИДАГИ НУТҚИ МАМЛАКАТИМИЗ ВА ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИ ТОМОНИДАН КЕНГ ҲАМДА ҚИЗҒИН МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА.**



**ЖЕНЕВА – ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МАРКАЗИ**

Инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуғулланадиган асосий тузилмалар Женева шаҳрида жойлашган. Женевада қирққа яқин нуфузли халқаро ташкилотнинг қароргоҳлари мавжуд. Бу ерда, шунингдек, 300дан ортиқ дипломатик ваколатхона ва 30 мингдан зиёд дипломат фаолият кўрсатади.

БМТнинг асосий органларидан ҳисобланувчи Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш ҳам Женевада иш олиб боради. Ушбу Кенгаш БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устувор йўналишлари ва ушбу соҳадаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлайди. Кенгаш БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича стратегиясини ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

3

«Ishonch» кўзгуси

*Самарқанд вилояти*

# КИПРИКДАГИ ЁШДЕК...

*ёхуд зил кетган кўприк жиддий эътибор кутмоқда*

**Иштихон ва Пастдарғом туманларини боғлаб турадиган Учқора қишлоғи бошланишидаги кўприкнинг қурилганига юз йилдан ошган. Мазкур кўприкдан нафақат ушбу туманлар аҳли, балки қўшни Оқдарё, Қўшработ, Каттақўрғон, Нуробод туманлари, Жума шаҳри аҳолиси ҳам фойдаланади.**

Кейинги ярим асрда ушбу кўприк беш-олти марта қайта қурилган. Аммо ҳар йили баҳорда сел ёки тезоқар зах сувлари не-не машаққатлар билан қайта қурилган кўприкни бир зумда домига тортиб кетар эди. Узоқ йиллар давомида кўприкда юзлаб турли даражадаги бахтсиз ҳодисалар юз берди. Ҳаттоки, носозлик туфайли автоҳалокатларда бу ёруғ дунёни тарк этганлар ҳам бўлди.

...2006 йилга келиб эса кўприк Самарқанд вилояти автойўл бошқармаси қошидаги «Кўприклардан фойдаланиш» унитар корхонаси томонидан бутунлай бузиб ташланди. Корхона раҳбари Аҳат Ўроқовнинг таъкидлашича, сойнинг кўприк уланадиган икки томони тупроқ билан тўлдирилиб, салкам ўн метр баландга кўтарилди. Мустаҳкам бетон устунлар ер остига чуқур қоқилиб, саккиз йил деганда, Учқора қишлоғига киришда салобатли, шинам ва сифатли кўприк қуриб битказилди.

Аммо 1 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланган кўприк олти йил ўтиб-ўтмай, тагидан ўпирила бошлади... Айни вақтда уни кўрган киши Абдулла Ориповнинг машҳур ташбеҳини хаёлидан ўтказиши табиий: «киприкдаги ёшдек...»

Кўприклардан фойдаланиш унитар корхонаси раҳбари Аҳат Ўроқов мазкур захкўприк ҳақида фикр-мулоҳазаларини баён қилар экан, ушбу иншоот самарқандликлар учун яна эллик йил давомида бемалол хавфсиз хизмат қилишини айтади. Унинг фикрича, бу кўприк масаласида сув йўлини тозалаб, тартибга келтириб қўйишдан бошқа иш йўқ эмиш...

Аммо ҳолатни кўрган кишининг бунга ишониши душвор. Нима бўлганда ҳам аҳолини хавотирга солаётган ушбу масалани мутахассислар жиддий ўрганишса, кўнгиллар хотиржам тортармиди? Зеро, бугунги бепарволик эртага бало олиб келмайди, деб ҳеч ким кафолат беролмайди.





**Нормурод МУСОМОВ,**
«ISHONCH»

# ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИГА МАКТУБ ЙЎЛЛАДИ




***Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига***

**Муҳтарам Шавкат Миромонович!
Азиз қардошим!**

Менинг номимга йўлланган, Туркманистон ва Ўзбекистон ўртасидаги анъанавий қардошлик алоқалари чуқур таҳлил қилиниб, мамлакатларимиз ҳамкорлигини мустаҳкамлаш учун кенг имкониятлар мавжудлиги қайд этилган мактубингиз учун Сизга чуқур миннатдорлик билдириш шарафига муяссарман.

Сизнинг икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари ҳақидаги фикрларингизни тўлиқ қўллаб-қувватлар эканман, мен Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик характерига эга эканлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Халқларимиз ўртасида яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва қўллаб-қувватлаш тамойилларига мувофиқ кўп йиллардан буён жадал ривожланиб келаётган дўстлик ва қардошлик алоқалари бугунги кунда янги мазмун касб этганини катта мамнуният билан қайд этмоқчиман.

Олий ва юқори даражадаги доимий мулоқотлар икки томонлама ҳамкорликнинг юксак даражасини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда. Сиз билан Ашхобод ва Тошкентда бўлиб ўтган учрашувларимизни, уларда Туркманистон – Ўзбекистон муносабатларининг турли жиҳатларини муҳокама қилганимиз, кўплаб муҳим маданият масканларининг очилишида қатнашганимизни алоҳида ёрқин таассуротлар билан эслайман.

Тошкент шаҳрида туркман шоири ва файласуфи, мумтоз адабиётимиз намояндаси Махтумқули шарафига номланган кўча ҳамда унинг сиймоси тасвирланган ёдгорлик, «Ашхобод» маданият ва истироҳат боғи, шунингдек, Хоразм вилоятида Ўзбекистон – Туркманистон дўстлик уйи ва «Улли ҳовли» маданий мажмуасининг очилиши халқларимизнинг абадий дўстлиги ва биродарлигининг ёрқин рамзи бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўз навбатида, Туркманистон пойтахтидаги «Илҳом» марказий хиёбонида Шарқнинг буюк шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг улкан ёдгорлиги ўрнатилди ва Ашхободнинг бевосита Президент саройига яқин марказий кўчаларидан бирига улуғ шоирнинг номи берилди.

Бундан ташқари, 2017 йилда Сизнинг Туркманистонга давлат ташрифингиз доирасида Туркманобод шаҳрида ўзбек халқининг буюк ўғлони, атоқли давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов ҳайкали очилди, унинг номи Лебап вилоятининг маъмурий маркази кўчаларидан бирига берилди.

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Айни вақтда Сизга шуни ҳам маълум қилмоқчиманки, куни кеча Ашхобод марказида Ўзбекистон пойтахти шарафига замонавий «Тошкент» маданият ва истироҳат боғини лойиҳалаштириш ва қуриш учун тендер эълон қилинди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон компанияларини ушбу тендерда иштирок этишга таклиф қиламан.

Шу билан бирга яна бир муҳим янгиликни сизга етказмоқчиман. Яқинда биз 2020 йилги энг намунали ижтимоий-иқтисодий ва маданий кўрсаткичлар бўйича Туркманистон туманлари ўртасида ўтказилган танлов ғолибини эълон қилдик. Ушбу танловда Тошҳовуз вилоятининг С.А.Ниёзов тумани ғолиб бўлиб, 1 миллион АҚШ доллари миқдорида мукофотга сазовор бўлди. Ушбу туман аҳолисининг 99 фоизини ўзбеклар ташкил этишини таъкидлаш менга мамнуният бағишлайди.

Маданий-гуманитар алоқалар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни равнақ топтиришда муҳим роль ўйнайди. Икки томонлама ҳамкорликни ривожлантирар эканмиз, биз туркман ва ўзбек халқларининг азалий биродарлик ва ўзаро меҳр-оқибат анъаналарига, уларнинг туб маънавий ва тарихий қадриятлари муштараклигига таянамиз.

Шу нуқтаи назардан, 2021 йил 17 февраль куни Ашхободда буюк шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 538 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтганини таъкидлаш ҳам менга мамнуният бағишлайди.

Бундай тадбирларни ўзаро ўтказиб бориш умумий маданиятларимиз, тарихий сиймоларимизни оммалаштиришга катта ҳисса қўшади, халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлайди.

Азиз биродарим!

Туркманистон ижобий бетарафлик тамойилларига асосланиб, минтақавий ва минтақалараро ҳамкорликда доимо фаол иштирок этмоқда.

Бугунги кунда Туркманистон ташаббуси билан минтақанинг барқарор тараққиётига амалий туртки беришга қаратилган энергетика, транспорт ва коммуникация соҳаларида кенг миқёсли минтақалараро лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, биз Ўзбекистоннинг 2021 йил 15-16 июль кунлари Тошкент шаҳрида «Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдид ва имкониятлар» мавзусида юқори даражали халқаро конференция ўтказишга доир ташаббусини олқишлаймиз ва тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

Ушбу форумга катта аҳамият берган ҳолда, Туркманистон унинг ишида иштирок этиш учун расмий делегацияни юборади. Конференция иши самарали бўлади, унинг натижалари эса Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро алоқалар ва кўп томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшади, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, ҳурматли Шавкат Миромонович, Сизга мустаҳкам соғлиқ, кўп қиррали давлатчилик фаолиятингизга катта муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик, фаровонлик ва равнақ тилайман.

Чуқур ҳурмат билан,

**Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ,
Туркманистон Президенти**

Сирдарё вилояти

Тадбир





# Жамоа шартномаси: ҳоким ва сенатор иштирокида муҳокама

**Боёвут тумани ободонлаштириш бошқармасида жамоа шартномаси муҳокамаси бўлиб ўтди. Унда туман ҳокими, сенатор Дилфуза Ўролова қатнашди.**

Дастлаб маъмурият ва касаба уюшмаси ўртасидаги жамоа шартномасининг ўтган йилдаги ижроси тўғрисида корхона раҳбари Султон Қосимов ва касабақўм раиси Нилуфар Ҳайитовалар ҳисоботи тингланди.

Бошқармада 108 нафар ходим меҳнат қилади. Жамоа шартномаси 16 бўлим ва 109 банддан иборат бўлиб, унга кўра ходимлар ижтимоий ҳимояланиб, муносиб меҳнат шароитлари яратилаётир.

Жамоа шартномасига мувофиқ, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича масъул шахс тайинланиб, тадбирлар ишлаб чиқилгани ҳамда ўз вақтида кўрилган чоралар ҳақида маълумот берилди. Ходимлар ўртасида маданий тадбирлар ташкил этишга мунтазам равишда эътибор қаратилди. Юбилей саналари нишонланган 6 нафар ходимга эҳтиром кўрсатилди. Меҳнат ашёлари ва махсус кийим билан таъминлашда узилишлар бўлмади.

Муҳокамада сўзга чиққан фаоллар маъмурият томонидан ходимларнинг иш ҳақлари ва унга тенглаштирилган тўловлар, нафақалар тўловида ҳамон муаммолар борлигига эътибор қаратишди. Жумладан, меҳнат таътили олган ходимга бир марталик моддий ёрдам берилиши ўтган йили амалга оширилмагани юзасидан танқидий фикр билдирилди. Ушбу эътирозга муҳокама давомида туман ҳокими туман молия бўлими билан масалани ижобий ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатди.

Шунингдек, соҳадаги ижобий ўзгаришлар эътироф этилиб, жамоада ишлаш истаги ортиб бораётгани, бунга иш ҳақлари тўғри ва ўз вақтида тўланиши эвазига эришилаётгани айтиб ўтилди.

Мавжуд ютуқ ва камчиликлардан келиб чиққан ҳолда жамоа шартномасига қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

– Катта жамоада турли таклиф ва фикрлар бўлади, – дейди касаба уюшмаси раиси Н.Ҳайитова. – Дарҳақиқат, таъкидланганидек, ходимларга дам олиш хонаси ташкил этиш ва спорт тадбирлари уюштиришда биз жойлашган бино мос келмайди. Шу боис, меҳнат жамоаси муҳокамасида қатнашган туман ҳокими бошқарма учун янги бино топширилишини билдирди.

Мухтасар айтганда, ободликка хизмат қилаётган меҳнат жамоамизнинг қадри ва кўнгли кўтариладиган бўлди.

**Эргаш БЎРИЕВ,**
Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Сирдарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Конференция

## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

**«Алоқа тарихи» музейида «Ўзбектелеком» АК «Uzmobile» филиали ягона жамоа шартномасининг 2020 йилда бажарилиши ва жорий йилдаги устувор вазифалари юзасидан онлайн тарзда конференция ўтказилди.**



Унда коронавирус пандемиясининг салбий оқибатларига қарамай, жамоа шартномаси бандлари бўйича белгиланган имтиёзлар ортиғи билан бажарилгани алоҳида эътироф этилди. Шунингдек, делегатларнинг фикр ва мулоҳазалари асосида жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Конференцияда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши «Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш» бўлими мудири Маҳмуджон Исаев касаба уюшмаларининг ўрни ва вазифалари, айни пайтда олиб борилаётган ишлар ҳақида атрофлича сўз юритди.

**Абду РАҲМОНОВ**

* * *

Тошкент шаҳри

Кўмак

## ХАЙРЛИ ИШЛАРГА КАМАРБАСТА



Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси хайрли ишларга камарбаста бўлиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашда давом этмоқда.

Олмазор туманидаги Ғани Аъзамов номидаги маҳаллада Ҳадича Абдумаликова икки нафар вояга етмаган фарзанди билан 1 хонали уйда яшайди. «Темир дафтар»га киритилган ушбу оилага касаба уюшмалари томонидан 747 минг сўм маблағ ажратилди.

Худди шундай инсонпарварлик кўмаги тумандаги «Ислом ота» маҳалласида истиқомат қилувчи 86 ёшли ёлғиз пенсионер Валентина Моринага ҳам кўрсатилди. Унга соғлиғини тиклашда зарур бўладиган дори-дармонларни харид қилиш учун моддий ёрдам берилди.

**Муқаддас РАЗЗОҚОВА,**
«ISHONCH

* * *

Фарғона вилояти

Меҳнат муҳофазаси

## ЖАМОАТЧЛИК НАЗОРАТИ – АМАЛДА

**Фарғона вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ташаббуси билан «Меҳнатни муҳофаза қилиш йўналиши бўйича соҳага оид қонун ҳужжатлари ва норматив-техник ҳужжатлар талабларига риоя этиш юзасидан жамоатчилик назоратини таъминлаш» мавзусида семинар ўтказилди.**



Тадбирда мавзу юзасидан мутахассисларга тегишли маълумотлар берилиб, меҳнат муҳофазасини таъминлашда барча бирдек масъул экани алоҳида таъкидланди. Шунингдек, «Ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва касб касаллигига чалиниш ҳолатларининг олдини олиш» мавзусида ҳам сўз юритилди.

Тадбирда иштирокчиларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб берилди.

**Ҳимоятхон СОБИРОВА,**
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Фарғона шаҳар бирлашган қўмитаси раиси

* * *

Қашқадарё вилояти

Мусобақа

## АЁЛ САЛОМАТЛИГИ – ЖАМИЯТ БОЙЛИГИ



Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтида икки кун давомида «Аёл саломатлиги – жамият бойлиги» шиори остида спорт мусобақалари ташкил этилди.

Биринчи куни институтнинг ўқув ишлари бўйича ёрдамчи ва ишчи-ходимлари шахмат, стол тенниси, арғамчида сакраш, мокисимон ва 200 метр масофага югуришда ўз омадини синаб кўрган бўлса, иккинчи кун профессор-ўқитувчилар аренага чиқишди.

Ёрдамчи ходимлар баҳсида ахборот-ресурс маркази вакиллари Марҳабо Саидова, Сунбулбиби Бўронова, Муниса Йўлдошева, лаборантлар Муҳаббат Бобоқулова ҳамда Сайёра Нурова, профессор-ўқитувчилар ўртасида эса Хуршида Холиқова, Дилафрўз Жабборова, Қизлархон Сиддиқова, Матлуба Эшмирзаева ҳамда Дилора Мамедова ўзлари танлаган спорт тури бўйича биринчи ўринни эгаллашди.

Ғолиб ва совриндорлар институт касаба уюшма қўмитаси томонидан диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Акмал АБДИЕВ,**
«ISHONCH»

Қорақалпоғистон Республикаси



Амалий ёрдам

## Хавфсизлик қоидаларидан барча хабардорми?

**Ходимларни муносиб меҳнат шароити билан таъминлаш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишларнинг олдини олиш ҳамда меҳнат муҳофазаси талаблари бажарилишига эришиш мақсадида Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бошланғич ташкилотларга ҳар томонлама кўмак бериб келмоқда.**

Хусусан, тармоқ касаба уюшмаси мутахассислари «Қўнғирот сода заводи» масъулияти чекланган жамиятида бўлиб, бошланғич касаба уюшма қўмитасига меҳнат муҳофазасига риоя этилиши бўйича амалий ёрдам кўрсатди.

Корхонада меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлик техникаси талаблари, лавозим, иш жойлари йўриқномалари, уларнинг амал қилиш муддати ва ўзгаришлари назорат қилиб борилади. Касаба уюшмаси ва меҳнат муҳофазаси бўйича комиссия аъзолари ўтган йили ўтказган текширув чоғида корхонадаги цех ва бўлимларда 27 та меҳнат муҳофазаси меъёрлари бузилиши аниқланди. Шундан 24 таси ўз вақтида бартараф этилиб, 3 та муаммо юзасидан бош директор номига тақдимномалар киритилди.

Амалга оширилган чора-тадбирларга қарамай, ўтган йилда иш жараёнидаги бахтсиз ҳодисалар ҳам юз берган. Жумладан, 2020 йилда бир ҳолатда ана шундай кўнгилсизлик содир бўлди. Мўйноқ туманидаги Саноат-транспорт коллежида таъмирлаш ишлари вақтида ишчи Қайрат Набиев электр тахта кесувчи ускунани ишлатаётганида эҳтиётсизлик оқибатида чап қўлининг бир бармоғи кесилиб кетади.

Ушбу ҳолат касаба уюшма қўмитаси мажлисида кўриб чиқилиб, жабрланувчига бир йиллик даромадининг 60 фоизи миқдорида бир марталик нафақа пули тўлаш бўйича қарор қабул қилинди. Шунингдек, жабрланувчига нафақа пули тўлаб бериши учун иш берувчига талабнома қўйилди. Натижада корхона ҳисобидан Қайрат Набиевга 12 миллион 765 минг сўм миқдорида бир марталик нафақа пули тўлаб берилди.

Иш жараёнидаги бу каби кўнгилсизликлардан ҳеч ким ҳимояланмаган. Бунинг олдини олишда аввало, ходим меҳнат хавфсизлиги қоидаларига риоя этиши, иш берувчи қулай иш шароити билан таъминлаши ҳамда бошланғич касаба уюшма қўмитаси ходимлар манфаати йўлида фаоллик кўрсатиши талаб этилади.

**Низом ЎРОЛОВ,**
Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Меҳнат муҳофазаси бўйича бош мутахассиси

Сурхондарё вилояти

Касаба уюшмаси аралашгач...

**«Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўли ишга туширилгандан буён тизим ривожига сидқидилдан хизмат қилиб келаётган Низомиддин Дўстмуродов кутилмаганда 2013 йил 6 ноябрда ишлаб турган вазифасидан бўшатилди.**

## Узоқ саргардонликдан сўнг... адолат қарор топди



Сабаблари эса... Мавзу сал узунроқ. Гап шундаки, бундан аввалроқ у «Тангимуш» станцияси бошлиғининг айрим хато ва камчиликларини Термиз транспорт прокуратурасига маълум қилиб, уни тартибга чақириб қўйишларини сўраган эди. Олиб борилган суриштирувлардан сўнг станция бошлиғи маъмурий жавобгарликка тортилди. Шундан кейин Низомиддин Дўстмуродовга нисбатан назорат кучайтирилди. Буни қарангки, уни соғлигини тиклаётган пайтда ишдан бўшатиб юборишди. Низомиддин Дўстмуродов ишдан бўшатилаётган ходим сифатида на иш берувчининг, на касаба уюшмасининг йиғилишига таклиф этилди. Умуман, амалдаги қонун талаблари қўпол равишда бузилди.

Ходим Фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судига мурожаат қилди. Суд «Термиз минтақавий темирйўл узели» бошлиғининг «Тангимуш» станцияси навбатчиси Н.Дўстмуродов билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруғини ғайриқонуний, деб топди. Ҳақ эгилди, букилди-ю, бироқ синмади, деб суюнган Низомиддинга барибир иш беришмади. Аксинча, уни «ёзувчи»ликда айблашди. Яна сарсон-саргардонлик бошланди. Термиз минтақавий темирйўл узели раҳбарияти суд қарорини тан олмаслигини айтиб, уни бекор қилдириш учун судга даъво аризаси киритди.

Жараён шу зайлда давом этаверди. Оқибат шу бўлдики, бу иш 2017 йил 6 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг очиқ суд мажлисида кўрилди. Тўпланган ҳужжатлар ва суд ишида қатнашганларнинг фикр ва талаблари тўлиқ ўрганилиб, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 360- ва 361-моддалари қўлланди. Мазкур иш юзасидан чиқарилган ФИБ Термиз туманлараро суди дастлабки қарорининг «Термиз МТУ 2014 йил 17 мартдаги 36/4 сонли буйруғининг 1-бандини ғайриқонуний деб топишга оид қисми бекор қилинсин ва ишнинг ушбу қисми бўйича аризада келтирилган талабни рад этиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинсин. Ҳал қилув қарорининг хулоса қисми қуйидагича тўлдирилсин: Термиз МТУнинг 2013 йил 8 ноябрдаги 145/4 сонли буйруғи ғайриқонуний деб топилсин ва бекор қилинсин», деган ажрими қабул қилинди.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими юзасидан сўнг Термиз МТУ раҳбарияти Низомиддинни ўзининг иш жойига эмас, балки «Оқназар» станциясига, станция навбатчиси А.Бердиқулов раҳбарлигида шу станция навбатчиси ўқувчиси (?) вазифасига ишга қабул қилинди.

– 4 йил ишсиз қолиб, ҳар томонлама қийналдим. Оилам ва фарзандларим иқтисодий жиҳатдан жабр кўрди, – дейди Низомиддин Дўстмуродов. – Шуларни ўйлаб, нима таклиф берилса, барига рози бўлдим. Айни вақтда қонуний ҳақ-ҳуқуқларимни тиклаш йўлида тиним билмадим. Идорама-идора, судма-суд юришдан тўхтамадим. Одатдагидек, барча менинг ҳақлигимни айтса-да, иш берувчи иш стажимни тикламади. Мажбурий бекор юрган кунларим учун иш ҳақи тўлашдан бош тортиб келаверди. Охири Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига мурожаат қилдим. Федерациянинг Термиз туманлараро судига мажбурий бекор юрган кунларим учун иш стажим ва иш ҳақларимни ундириш бўйича киритган даъво аризаси бўйича шу йил 28 январда суд иши бўлиб ўтди ва қонуний манфаатларим тикланди.

**Рустам ДАВЛАТОВ,**
«ISHONCH»





**Акмал САИДОВ,**
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори

# Умумбашарий ташаббуслар илгари сурилган тарихий нутқ

**1**

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши сессиясининг Юқори даражадаги сегментида давлат ва ҳукумат бошлиқлари ҳамда халқаро ташкилотлар раҳбарлари сўзга чиқади. Ҳар қайси давлат раҳбари ўз нутқида иккита асосий масалага эътибор қаратади. Биринчи масала – ўз мамлакатининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги тажрибаси; иккинчи масала – инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ташаббус билан чиқиш.

### ЮҚОРИ ДАРАЖАДАГИ СЕГМЕНТ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Биринчиси: илк бор –** 2020 йил 13 октябрь куни БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида бўлиб ўтган сайловларда Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига 2021-2023 йилларга сайланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессияси доирасидаги ушбу дастлабки сайловларда Ўзбекистон учун БМТга аъзо 191 давлатдан энг кўпчилиги – 169 таси овоз берди. Осиё гуруҳидан Покистон ҳам 169 овоз тўплади. Шунингдек, Непал – 150 та, Хитой – 139 та, Саудия Арабистони – 90 та овоз олди.

**Иккинчиси: илк бор –** Ўзбекистон БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг аъзоси сифатида 2021 йил 1 январдан ўз вазифаларини бажаришга киришди.

Ўзбекистоннинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси бўлишидан кўзлаган мақсади эзгу ва холис. Биз мамлакатимизда ҳам, жаҳон миқёсида ҳам ҳуқуқ ва қонун устувор бўлиши, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳар томонлама таъминланиши, ҳимоя қилиниши ва рағбатлантирилиши тарафдоримиз.

**Учинчиси: илк бор –** Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2021 йил 22 февраль куни Женева шаҳрида ўз ишини бошлаган БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясининг Юқори даражадаги сегментида нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари ўз тарихий нутқида Ўзбекистоннинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашдаги фаолияти устувор йўналишларини белгилаб берди.

**Тўртинчиси: илк бор –** коронавирус пандемияси муносабати билан БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг навбатдаги йиғилиши видеоанжуман шаклида ўтказилди.

**Бешинчиси: илк бор –** Юқори даражадаги сегментда қарийб 150 мамлакатдан давлат, ҳукумат раҳбарлари, ташқи ишлар ва адлия вазирлари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар намояндалари, бир қатор халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди ҳамда кўплаб олий даражадаги раҳбарлар сўзга чиқди.

**Олтинчиси: илк бор –** МДҲга аъзо давлатлар бошлиқлари орасидан айнан Ўзбекистон Президенти дастуриламал нутқ сўзлади.

**Еттинчиси: илк бор –** Юқори даражадаги сегмент мажлиси Женева-Тошкент телекўприги орқали тўғридан-тўғри намойиш этилди.

**Саккизинчиси: илк бор –** Ўзбекистон Президентининг нутқи БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши юксак минбаридан ўзбек тилида янгради. Бу БМТ ташаббуси билан ҳар йили 21 февралда нишонланадиган Халқаро она тили куни анъаналарига ҳамоҳангдир. Шу билан бирга, бу – давлатимиз раҳбарининг давлат тили мақомига ҳурмати ва эҳтироми ифодаси ҳамдир.

**Тўққизинчиси: илк бор –** Ўзбекистон Президентининг нутқи тўрт тилда, яъни ўзбек, инглиз, француз ва рус тилларида китоб ҳолида нашр этилиб, Женевадаги барча дипломатик ваколатхоналарга тарқатилди.

**Ўнинчиси: илк бор –** БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясининг Юқори даражадаги сегменти мажлиси онлайн тарзда интернет ва телеканаллар орқали тўғридан-тўғри намойиш этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясининг Юқори даражадаги сегментида сўзлаган нутқи ва ташаббуслари Женевадаги халқаро ташкилотлар, дипломатик миссиялар ҳамда илмий-таҳлилий марказлар вакиллари, дипломатлар ва экспертларда катта қизиқиш уйғотди.

Женева ҳамжамиятининг таҳлилларига кўра, Ўзбекистон Президентининг нутқида 3 та даражадаги, яъни миллий, минтақавий ва глобал миқёслардаги фаолият йўналишлари муҳокама қилиниб, янги ташаббуслар илгари сурилди.

### МИЛЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ТАШАББУСЛАР

**Биринчидан,** Президентимизнинг нутқида янги Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги янги овози янгради. Энг аввало, давлат раҳбари мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегияси доирасида инсон ҳуқуқларини ривожлантириш соҳасида эришилган ютуқларга тўхталди.

Энг муҳими, таъкидланганидек, **«Демократик ислоҳотларимиз янги Ўзбекистонни бунёд этишга қаратилган бўлиб, бу ўзгаришлар ортга қайтмайдиган тус олди».**

**Иккинчидан,** Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга ошириш борасидаги мамлакатимиз тажрибаси ҳақида сўз юритилди. Халқаро экспертлар ушбу ибратли тажриба БМТга аъзо давлатлар учун намуна вазифасини ўташини эътироф этдилар.

**Учинчидан,** Президентимиз Юқори даражадаги сегмент иштирокчилари эътиборини мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги кодекслар ишлаб чиқилаётганига қаратди. Бу кодекслардан бири – Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантиришга, иккинчиси эса сўз эркинлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қилиши лозим.

**Тўртинчидан,** давлатимиз раҳбари «Болалар меҳнатига барҳам бериш халқаро йили» деб эълон қилинган жорий йилда Ўзбекистонда Болалар Омбудсмани тўғрисидаги қонун қабул қилинишини қайд этди. Шу билан бирга, БМТнинг Қийноқларга қарши конвенцияси Факультатив протоколи Ўзбекистон томонидан ратификация қилиниши таъкидланди.

### МИНТАҚАВИЙ ДАРАЖАДАГИ ТАШАББУСЛАР

Халқаро экспертларнинг фикрича, Ўзбекистон Президенти кейинги йилларда Марказий Осиё минтақасида тубдан янги геосиёсий муҳит яратди. Давлатимиз раҳбари Женевадаги нутқида фаол минтақавий сиёсатини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ташаббуслари билан кенгайтирди.

**Биринчидан,** бу йил юртимизда Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёлларининг мулоқотини ташкил этиш, шунингдек, хотин-қизларнинг минтақавий бизнес-форумини ўтказиш ташаббуси илгари сурилди.

**Иккинчидан,** Президентимизнинг имконияти чекланган шахсларнинг ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқариш масалалари бўйича Минтақавий кенгаш тузиш таклифи ҳам минтақавий аҳамият касб этади.

**Учинчидан,** давлатимиз раҳбари Осиё қитъасининг инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий механизмини мунтазам фаолият кўрсатадиган платформа – Самарқанд форуми негизида яратиш борасида кўмак беришга Ўзбекистон тайёр эканини маълум қилди.

Женевадаги илмий-таҳлилий доиралар ушбу ташаббусларга ижобий муносабат билдирмоқда. Таҳлилчилар Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашидаги пешқадамлигини олқишлаб, Президентимизнинг Марказий Осиё давлатларининг инсон ҳуқуқларини ривожлантириш соҳасидаги сиёсатларини уйғунлаштиришга қаратилган интилишларини юқори баҳоладилар.

### ГЛОБАЛ ДАРАЖАДАГИ ТАШАББУСЛАР

Ўзбекистон Президенти мамлакатимиз БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашида фаоллик ва ташаббускорлик асосида иш олиб боришини таъкидлади.

**Биринчидан,** Ўзбекистон БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ва Қийноқларга қарши конвенцияси Факультатив протоколини ратификация қилади.

**Иккинчидан,** мазкур масалалар юзасидан ҳамкорликда ишлаш мақсадида БМТнинг Қийноқлар масаласи бўйича махсус маърузачиси мамлакатимизга таклиф этилади. **«Бу борада мандатга эга бўлган барча вакилларнинг Ўзбекистонга ташриф буюришлари учун доимий таклифнома юбориш ҳақида қарор қабул қиламиз»**, деди Президентимиз.

**Учинчидан,** давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда жорий йилнинг «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» деб эълон қилинганини маълум қилар экан:

– БМТ шафелигида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференциясини ўтказиш;

– БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг ўнинчи форумида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция лойиҳасини тақдим этиш;

– БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачиси институтини таъсис этиш ташаббусларидан иборат 3 та амалий таклифни илгари сурди.

**Тўртинчидан,** Юртбошимиз томонидан Судьялар кенгашлари фаолиятинининг универсал принципларини ишлаб чиқиш ташаббуси тақдим этилди.

**Бешинчидан,** Президентимиз инсон ҳуқуқлари соҳаси бўйича таълимни ривожлантириш борасида Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим декларациясининг 10 йиллигига бағишлаб БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Бошқармаси билан ҳамкорликда глобал форум ўтказиш ҳамда ўқитиш тизимини ривожлантириш мақсадида БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ихтиёрий бадаллар жамғармасига Ўзбекистон ўз ҳиссасини қўшишига доир 2 та таклифини билдирди.

**Олтинчидан,** Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг фуқаролиги бўлмаган инсонлар сонини камайтиришга қаратилган ташаббусини қўллаб-қувватлаган ҳолда, Президентимиз ўтган йили 50 минг нафар фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олинганига эътиборни қаратиб, бу йил яна 20 мингдан зиёд киши фуқароликка эга бўлишини қайд этди.

**Еттинчидан,** давлатимиз раҳбари БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Мишель Бачелетни юртимизга таклиф этди.

**Саккизинчидан,** БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг аъзоси сифатида Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларини қатъий ҳимоя қилиши таъкидланди. Чунки инсон ҳуқуқлари универсал қадрият бўлиб, Президентимиз таъкидлаганидек, **«Бу устувор тамойилсиз ер юзида тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётга эришиб бўлмайди».**

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Президенти Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг **«Инсон ҳуқуқлари йўлида ҳаракатга даъват»** ташаббусини ҳамда 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашни кўзда тутадиган «ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик» тамойили асосида амалга оширилишини қўллаб-қувватлади.

Чунки ушбу умумбашарий ташаббуслар мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегияси доирасида инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилаётган изчил, тизимли ва кенг кўламли ислоҳотлар билан ҳамоҳангдир.

---

*Самарқанд вилояти*

**Ечимини кутаётган муаммо**

# Зирҳли қопқа ортида...

## *Касаба уюшмасисиз фаолият юритаётган корхоналарда меҳнат қилаётган ишчи-ходимлар манфаати қандай ҳимояланмоқда?*

**Бир неча кун давом этган илиқ ҳароратдан сўнг, об-ҳаво кескин ўзгариб кетди. Яна қиш ўз ҳукмини ўтказа бошлади. Шундай вазиятда ҳам бунёдкорлар бекор ўтиргани йўқ экан. Улар фаолияти билан танишиш, яратилган шароитларни кўриш мақсадида Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилояти кенгаши раиси Сирожиддин Иззатуллаев билан қурувчилар ҳузурида бўлдик.**



– Об-ҳаво шароитига мос келадиган юмушлар билан машғул бўляпмиз, – дейди Самарқанд шаҳри Уста Умар Жўрақулов номидаги кўчадаги йўл қурилиши бунёдкорларидан бири. – Иссиқ жой, иссиқ овқатимиз тайин. Қўл қовуштириб ўтиришга фурсат йўқ.

Амалий ишлар билан танишиш асноси саноат гуркираб ривожланиб бораётган Самарқанд шаҳрининг Фарҳод шаҳарчаси ҳудудидан чиқдик.

– Бу ердаги ташкилотлар билан танишиш имконияти бўлар? – дея гапга соламиз ҳамроҳимизни.

Юзлари анчайин тундлашган етакчи атрофи баланд деворлар билан ўралган, мўриконларидан дуд ўрлаётган, баланддан-баланд темир дарвозаларга ўйчан тикилиб қолади...

– Мана шу «зирҳли қўрғон»лар ортида юзлаб одамлар ишлайди, – дейди сўнгра Сирожиддин Иззатуллаев. – Улар қай тарзда меҳнат қилаётгани, шарт-шароити бизга қоронғу. Аксар корхоналар хусусий тадбиркорларга тегишли. Эшигини зўрға очишади, хушламай қаршилашади. Бошлиқлари доим йўқ. Гаплашиш учун очиб қўйилган «туйнукча»ларидан ўнлаб маротаба хат киритганмиз. Мундоқ ўтириб гаплашиш, фикр алмашиш, меҳнат аҳли фикр-у ўйини тинглаш имконини беришни ҳам эп кўрмаганидан куйиб кетаман. Мурожаатингга на бир энлик жавоб бор...

Тармоқ етакчиси сўзлари бизда ҳам қизиқиш уйғотди. Уларнинг суҳбатини олиш учун темир қопқаларни тақиллатиб кўрдик. Баъзилари эшик очди, баъзилари туйнукчадан «хўжайин йўқ», дейишдан нарига ўтмади. Айланиб яна бир темир дарвозага рўбарў келдик. На ном, на мақом эшигида акс этган бу ташкилот «Жомбой яшил чироқлари» (цемент ишлаб чиқарадиган завод) экан. Тармоқ касаба уюшмалари томонидан ижтимоий мулоқот ўтказиш юзасидан хатлар киритилган. Охирги мурожаат бир ҳафта илгари топширилганини билдик. Завод қоровули кейинги дарвозада мутасаддилар борлигини айтиб, бизни ўша томонга йўллади. Дарвоза ёнидаги туйнукни тақиллатдик.

Кичкинагина «ром»чадан мўралаган йигит етакчини таниди... ва бошлиқ йўқлигини айтди. Бошқа бирор мутасадди билан гаплашиш ниятини билдирдик. «Бугун ҳеч ким йўқ», деган одатий жавобни эшитдик. Очиғи, шивалаб турган ёмғирда озроқ сўзлашдик ҳам. Барчаси бефойда... Бу ҳудуддаги ишлаб чиқариш корхоналарининг аксари касаба уюшмалари билан ҳамкорлик ўрнатмаган. Ўнлаб, юзлаб одамларни ишлатса-да, уларни «зирҳланган эшиклар» ортида сақлашади. Ходимларга меҳнат қонунлари асосида меҳнат шароитлари яратилгани билан танишишга ҳам имкон беришмайди. Уларга касаба уюшмаларига бирлашишни иш берувчи эмас, балки у ерда меҳнат қилаётганлар ҳал қилишини тушунтиришнинг ҳам имкони йўқ.

**ТЎҒРИ, ТАДБИРКОРНИНГ ФАОЛИЯТИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА. АММО У ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАБ КЕЛАЁТГАНЛАРНИНГ ҲУҚУҚИ КИМНИНГ ҲИМОЯСИДА? ЁХУД ХУСУСИЙ СУБЪЕКТДА ҲАММАСИНИ «ХЎЖАЙИН» ҲАЛ ҚИЛАДИМИ? БУ ВАКОЛАТНИ УНГА КИМ БЕРГАН?**

Тўғри, тадбиркорнинг фаолияти қонун ҳимоясида. Аммо у иш билан таъминлаб келаётганларнинг ҳуқуқи кимнинг ҳимоясида? Ёхуд хусусий субъектда ҳаммасини «хўжайин» ҳал қиладими? Бу ваколатни унга ким берган?

– Юздан зиёд ана шундай ташкилотга қайта-қайта мурожаат хатлари йўллаганмиз, музокаралар олиб борганмиз, – дейди Сирожиддин Иззатуллаев. – Кўпинча бир энлик жавоб хати йўллашни ҳам ўзларига эп кўришмайди.

Касаба уюшмаларининг изсиз кетган мурожаатлари мундарижасига сиз ҳам бир назар ташланг: «Самарқанд Афросиёб цемент» МЧЖ, «AGROMIR BULDINGS» МЧЖ, «PRIME CERAMICS» МЧЖ Қ.К, «Жомбой яшил чироқлари» МЧЖ, «СТРОЙТЕР-МОИЗОЛЯЦИЯ ҚБ» МЧЖ, «Ятра инвест» ҚК, «Афространс» МЧЖ, «Мухтор нур транс» МЧЖ, «Гаппар транс» МЧЖ...

Бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин. Бу жамоаларда меҳнат қилаётган минглаб ишчи-ходимлар манфаати қандай ҳимояланмоқда?

Бу саволлар кенг жамоатчилик учун ҳам, ишчи-ходимлар ҳимоясини асосий фаолият тамойилига айлантирган касаба уюшмалари учун ҳам «сирлигича» қолмоқда.



**Нурилла ШАМСИЕВ,**
«ISHONCH»

Орамиздаги одамлар

# Холмурод отанинг ҳаёт фалсафаси



**Бир касбнинг этагини тутиб, шу касб орқали эл-у юртга садоқат билан хизмат қилаётган инсонлар орамизда кўп. Улардан бири салкам 60 йилдан буён темир йўл тизимида ишлаб, соҳани ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келаётган Холмурод Исмоиловдир.**

Болалигиданоқ меҳнаткашлиги, изланувчанлиги билан тенгдошларидан ажралиб турган Холмурод 1964 йили техникумда ўқиб юрган кезлари «Салар» темирйўл масофасига амалиёт учун юборилади. Тиришқоқлиги, изланувчанлигини кўрган раҳбарият йўл созловчи лавозимига ишга қабул қилади. Институтни битиргач, ҳозирги «Тоштемирйўллойиҳа» масъулияти чекланган жамиятида фаолиятини давом эттиради.

Кейинчалик Холмурод Исмоилов Қизилқум чўлларида «Навоий-Учқудуқ-Султонувайстоғ-Нукус» темирйўли қурилиши, Амударё орқали темир йўл-автомобиль қўшма кўприги барпо этилиши, мураккаб тоғ шароитида «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўли қурилиши, «Тўқимачи-Ангрен» темир йўл линияси электрлаштирилиши, «Янги Янгиер-Жиззах» ва «Янгиер-Фарҳод» темир йўл линияси қурилиши ишларида фаол иштирок этди. Касбини мукаммал эгаллаш учун астойдил ҳаракат қилгани, хизмати юзасидан ҳар қандай машаққатни шараф билан енгишни ўзининг муқаддас бурчи деб билгани учун ҳам у доимо касбдошлари, раҳбарият назарида бўлиб келган.

Меҳнатлари самараси ўлароқ, «Меҳнат шуҳрати» ордени, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган транспорт ходими» унвони, «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишонлари билан тақдирланди.

**КАСБИНИ МУКАММАЛ ЭГАЛЛАШ УЧУН АСТОЙДИЛ ҲАРАКАТ ҚИЛГАНИ, ХИЗМАТИ ЮЗАСИДАН ҲАР ҚАНДАЙ МАШАҚҚАТНИ ШАРАФ БИЛАН ЕНГИШНИ ЎЗИНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИ ДЕБ БИЛГАНИ УЧУН ҲАМ У ДОИМО КАСБДОШЛАРИ, РАҲБАРИЯТ НАЗАРИДА БЎЛИБ КЕЛГАН. МЕҲНАТЛАРИ САМАРАСИ ЎЛАРОҚ, «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ, «ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ТРАНСПОРТ ХОДИМИ» УНВОНИ, «МЕҲНАТ ФАХРИЙСИ» КЎКРАК НИШОНЛАРИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ.**

«Тоштемирйўллойиҳа» МЧЖ бошқармасида ёш мутахассисларга ўзининг касбий ва ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб, қимматли маслаҳатларини бериб келаётган Холмурод отанинг кўплаб шогирдлари ҳозирда темирйўл ва бошқа ташкилотларда самарали хизмат қиляпти.

– Касбим орқали ҳаётда кўп нарсага эришдим, – дейди Холмурод ота. – Бу борада яхши-ёмон кунларимда доимо мени қўллаб-қувватлаган, касбимни ҳурмат қилиб, барча қийинчиликларни зиммасига олган елкадошим, фарзандларим онасининг ҳиссаси катта.

Фарзанд тарбиясига жуда талабчан, қаттиққўл ва шу билан бирга, ғамхўр ҳамда меҳрибон Холмурод ота турмуш ўртоғи Маҳбуба ая билан ҳалол меҳнат қилиб, 2 қиз ва 1 ўғилни вояга етказди. Айни кунда 10 нафар набира оғушида уларнинг бахти, камолини кўриш орзусида ҳаёт кечирмоқда. Ота касбини улуғлаган фарзандлари ҳам темирйўл тизимида соҳани ривожлантириш, ишчи-ходимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда намунали хизмат қилиб келяпти.

Холмурод Исмоилов ҳадемай ўзининг 73 ёшини қаршилайди. У кишидан умр мазмунини сўрасангиз, «ҳалол меҳнат» дея жавоб беради.

Ҳа, инсон умрини меҳнат безайди. Бугун фарзандлари ва шогирдлари ардоғида бўлган Холмурод отанинг ибратли ҳаёт йўли ҳам бунга ёрқин мисолдир.



**Назокат НУРМАТОВА,**
Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши йўриқчиси

---

*Тошкент вилояти*

**Газ тармоқлари ҳали бормаган, муваққат қурилган иншоотларда суюлтирилган газ баллонларидан фойдаланилади. Иситишда, таом тайёрлашда қулайлик яратадиган ушбу воситалардан фойдаланишнинг ҳам ўз тартиблари бор.**

Эҳтиёт шарт!

## ГАЗ БАЛЛОНИ БАЛО БЎЛМАСИН!

Хусусан, суюлтирилган газ қурилмаси газ плитасидан камида 0,5 метр, иситиш радиаторидан 1 метр узоқ масофада жойлашган бўлиши лозим. Шунингдек, бундай қурилмаларни печь эшиклари қаршисига қўйиш мумкин эмас.

Яна бир эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳат шуки, ёқилган қурилмани қаровсиз қолдириш, уларга ёш болалар, қурилмадан фойдаланишда тажрибаси бўлмаган кишиларни яқинлаштирмаган маъқул. Агарда атрофда газ ҳиди бўлиб, бирон жойдан газ чиқаётганини аниқлаш керак бўлса, бунда очиқ оловдан фойдаланиш хавфли эканини унутмаслик лозим.

Умуман олганда, суюлтирилган газ қурилмаларидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш, эътиборли бўлиш истеъмолчининг энг муҳим вазифасидир.

**Эркин АБДУХОЛИҚОВ,**
**Қибрай тумани ФВБ ходими**

---

*Хоразм вилояти*

Оғриқ тишлар

# ВАЪДАЛАР ВАФОСИ БИЛАН...

*ёхуд «Пахтакор» маҳалласига қачон ичимлик суви келади?*

**Ғозовот – Қўшкўпир туманидаги аҳолиси кўп, майдони катта, қадимий ва тарихий қишлоқлардан бири. Туркманистон билан чегарадош қишлоқда салкам 20 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади.**

Қишлоқнинг ҳамма маҳаллаларида ҳам тоза ичимлик суви йўқ. Айниқса, «Пахтакор» маҳалласининг ярмидан зиёд аҳолиси хонадонларига тоза ичимлик суви қувурлари ўтказилмаган.

Бундан тўрт йилча олдин Қўшкўпир туманидаги Оқдарбанд қишлоғида вилоят ҳокимининг сайёр қабули бўлиб ўтган эди. Унда Ғозовот қишлоғининг «Пахтакор» маҳалласига тоза ичимлик суви ўтказилмагани, мутасаддилар ишни пайсалга солиб келаётгани ҳақида арз қилинган эди. Ҳоким дарҳол раҳбарларга йил охиригача маҳалланинг қолган қисмига тоза ичимлик суви ўтказиш ҳақида топшириқ берганди.

Шунга ҳам тўрт қовун пишиғи ўтди, бу орада ҳоким ҳам ўзгарди, аммо мутасаддилардан ҳали-ҳануз садо йўқ. Ваъда эслатилса, «дастурга киритилган», «биринчи чоракка киритдик», «охирги чоракка киритдик», «келгуси йил бошидан ўтказамиз» деган жавоблар олинади, холос.

**ИЧИМЛИК СУВИНИ ЕР ОСТИДАН ОЛАМИЗ, – ДЕЙДИ ШУ МАҲАЛЛАДА ЯШОВЧИ ПИРМУҲАММАД БОЛТАЕВ. – СУВ ЖУДА ШЎР, ИЧИШГА ЯРОҚСИЗ. ШУ САБАБ ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИНИНГ ЛИТРИНИ 150 СЎМДАН СОТИБ ОЛЯПМИЗ.**

– Ичимлик сувини ер остидан оламиз, – дейди шу маҳаллада яшовчи Пирмуҳаммад Болтаев. – Сув жуда шўр, ичишга яроқсиз. Шу сабаб тоза ичимлик сувининг литрини 150 сўмдан сотиб оляпмиз.

– Яқинда бетоб бўлиб қолдим, – дейди меҳнат фахрийси Норимбой Юсупов. – Шифокорга кўриндим. Миллион сўмлик дори-дармон олдим, аммо сира тузалмадим. Яна шифокорга кўриндим. У ҳам ҳайрон. Кейин «ичаётган сувингиздан олиб келинг-чи» деди. Олиб бордим. Лабораторияда ўтказишди, сувимиз ичиш учун умуман яроқсиз чиқди. Ҳозир ичимлик сувини қўшни маҳаллалардан олиб келиб ичяпмиз. Шукур, тузалиб кетдим. Ҳамма гап сувда экан.

Айни вақтда қишлоқ аҳлининг мутасаддилардан умиди сўнган. Фақат бир умид учқунлаб турибди. Бу ҳам бўлса, Президентимизнинг раҳбарларга «маҳаллабай» ишлаш, уйма-уй юриб, ҳар бир одамнинг дардини эшитиш, уларни иш билан таъминлаш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш хусусидаги топшириғи.

Балки ҳудуддаги раҳбарлар энди амалий ишга киришар?..





**Болтабой МАТҚУРБОНОВ,**
журналист

---

*Андижон вилояти*

Ҳуқуқ

**Пахтаобод тумани адлия бўлимига Тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам ходимлари қўшимча рағбатлантириш пуллари тўланмаётганидан норози бўлиб, шикоят йўллади.**



## БЕПАРВОЛИКМИ ЁКИ ҲУРМАТСИЗЛИК?

Ўрганиш давомида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 июлдаги «Коронавирус инфекциясига қарши кураш даврида аҳолини тез тиббий ёрдам хизмати билан кенг қамраб олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2020 йил 24 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш тадбирларига ажратилаётган маблағларнинг самарадорлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига асосан белгиланган қўшимча рағбатлантиришлар ўз вақтида тўлаб берилмагани аниқланди.

Ва ниҳоят, Пахтаобод тумани Тиббиёт бирлашмасига 2021 йил 26 январь куни тақдимнома киритилиб, 187 нафар тиббиёт ходимига қўшимча тўловлар ундириб берилди.

Шу ўринда саволлар туғилади: тўловлар ўз вақтида тўланса, нима бўлар эди? Ходимлар ўз ҳуқуқларини сўраб, бошқа идораларга мурожаат қилиши шартми?

Назаримизда, буларнинг барчаси бепарволик ва ўз ҳамкасбларига нисбатан ҳурматсизлик белгисидир.

**Шавкатжон АБДУРАҲМОНОВ,**
Пахтаобод тумани адлия бўлими бош маслаҳатчиси

---

Эълон

**«INVEST KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

Савдога «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ «Қўқон минтақавий темир йўллари узели» унитар корхонасининг буюртма хатига асосан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Андижон вилояти, Андижон тумани, Куйганёр шаҳарчасида жойлашган «Куйганёр шаҳарчаси темир йил станцияси биносининг бир қисми» бино иншоотлари (Б-Ёрдамчи бино, Б2-Айвон).

**Бошланғич баҳоси – 68 664 000 сўм.**

2. Наманган вилояти, Учқўрғон шаҳри, «Саноат» маҳалласида жойлашган «Учқўрғон темир йўл станцияси» биносининг бир қисми бино иншоотлари (0005 литерда вокзал биноси ).

**Бошланғич баҳоси – 124 876 000 сўм.**

**Аукцион савдоси 2021 йил 31 март куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади.**

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 9:00дан 18:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик вақти).

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2021 йил 29 март соат 18:00.

Дастлабки савдоларда мулк сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2021 йил 23 апрель куни бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Такрорий савдоларга аризаларни қабул қилиш бир кун олдин 18:00да якунланади.

Савдога қўйилган мулк ва унга тегишли ҳужжатлар билан сотувчи вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдода қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида савдо объектининг номи ва манзилини кўрсатган ҳолда «Савдо ташкилотчиси» – «Invest Ko'chmas Mulk Savdo» МЧЖнинг ҳисобрақамига (банк: «Трастбанк» Фарғона вилояти филиали, ҳ/р: 22604000300499077001, МФО: 01123, СТИР: 303445495) тўлашлари лозим.

Савдо натижасига кўра, савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади, тўловларни амалга ошириш сотувчи томонидан белгиланади.

**Савдолар бўлиб ўтадиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 44-«В»уй. **Тел.:** (+99890) 307-11-88, (+99897) 415-51-11. **Веб-сайт:** www.uy-bozor.uz, телеграмдаги расмий канал: @fargonauybozor.

**Лицензия № RR-0238.**

Эълонлар

Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги академик лицей томонидан 2015 йилда Собитжонов Жавлонбек Сардорбек ўғли номига «Хорижий тиллар» йўналиши бўйича берилган LN№257596 рақамли диплом (рўйхат рақами: 420) йўқолгани маълум қилинади.

* * *

«Run Tong Metal Industrial» МЧЖ ва «LI DA METAL TECHNOLOGY» МЧЖнинг ягона иштирокчиси ҳисобланган «Цзянсу Хуайе развитие науки и техники Ко.ЛТД» компанияси 2021 йил 24 февраль куни «Run Tong Metal Industrial» МЧЖни «LI DA METAL TECHNOLOGY» МЧЖга қўшиб олиш тўғрисида қарор қабул қилди. Шу муносабат билан ушбу юридик шахснинг кредиторлари ўз талабларини 2021 йилнинг 27 мартига қадар Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри, Саноат ҳудуди манзилига юборишлари мумкин.

Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси кенгашнинг бош юристконсульти Орифжон Ғойибназаровга онаси

**МАҲБУБАХОН ая**нинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

---

**МУАССИС:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

**«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:**

**Қудратилла РАФИҚОВ** *(таҳрир ҳайъати раиси),*
**Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Қутлимурот СОБИРОВ, Суҳроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ, Нодира КАРИМОВА, Анвар ҚУЛМУРОДОВ** *(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),*
**Темур МАМАЖОНОВ** *(Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Доверие» бўйича),*
**Меҳриддин ШУКУРОВ** *(Масъул котиб – «Ishonch»),*
**Валентина МАРЦЕНЯК** *(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)*

**Бош муҳаррир**
Ҳусан ЭРМАТОВ

**Бўлимлар:**
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

**www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.**

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** – (+998-99) 889-90-22
**Андижон вилояти** – (+998-99) 889-90-23
**Бухоро вилояти —** (+998-99) 889-90-31
**Жиззах вилояти** – (+998-99) 889-90-34
**Наманган вилояти** – (+998-99) 889-98-02
**Навоий вилояти** – (+998-99) 889-90-28
**Тошкент вилояти —** (+998-99) 889-98-44
**Самарқанд вилояти** – (+998-99) 889-90-26
**Сирдарё вилояти** – (+998-99) 889-98-55
**Сурхондарё вилояти** – (+998-99) 889-90-32
**Фарғона вилояти** – (+998-99) 889-90-24
**Хоразм вилояти** – (+998-99) 889-98-01
**Қашқадарё вилояти** – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

**Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.**

**Навбатчи муҳаррир:** Ж. Наҳанов

**Мусаҳҳиҳлар:** С. Шодиева, З. Холмуҳаммедова

**Саҳифаловчи:** Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **21:00**
Топширилди – **23:20**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма **Г – 206.**
**30621** нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

**Баҳоси келишилган нархда**

**Манзилимиз:**
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
**Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Таҳририят ҳисобрақами:**
2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130